

IX Халқаро саноат ярмаркаси якунлари бўйича 100 млрд. сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 марта даги "2015 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг 26 октябридан 5 ноябрга қадар бўлиб ўтган мазкур тадбирда "Ўзавтойўл" АК тизимидағи корхона ва ташкилотлар ҳам иштирок этишиди.

Ярмарка доирасида "Ўзавтойўл" АК томонидан ўтказилган тақдимот маросимида компанияя таркибидағи корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам кўрсатиладиган хизматларнинг истиқболлари намойиш этилди.



IX Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси якунларига кўра компанияя тизимидағи ташкилотлар ҳамда Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида мазкур корхоналарнинг йўл қурилиши ва сақлашда ишлатиладиган маҳсулот ва техникаларини сотиб олиш бўйича 100 миллиард сўмликдан зиёд, шунингдек, "Ўзавтойўл" тизимидағи корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш бўйича қиймати 12 миллиард

сўмдан ортиқ шартномалар имзоланди. Бу ўтган йилда имзоланган шартномаларга нисбатан 112,4 фоизни ташкил қиласди.

Кооперацион биржа доирасида сотиб олинадиган, Республикаизда ишлаб чиқарилган ускуналар, машина механизмлар ҳамда материаллар - бир томондан компания тизимидағи корхоналарнинг моддий базасини мустаҳкамлашга хизмат қиласа, бошқа томондан лозим бўлган бозор инфратузилмасини яратиб, мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги узок муддатли ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга хисса қўшади.

"Ўзавтойўл" АҚ матбуот хизмати